

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСІЙ ГАЗЕТАСИ / № 246 (10.551) / 2005 ЙИЛ 22 ДЕКАБРЬ

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА сатрларда

● **КЕЧА** «Тошкентшаҳаргаз» худудий газ таъминоти корхонасида «Маънавият ва маърифат» марказининг Яккасарой туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган давра суҳбати «Ҳуқуқ ва бур» деб номланди.

● **КЕЧА** Учтепа туманидаги 199-махсус ёрдамчи мактабда «Камолот» ЕИХ туман Кенгаши қошидаги «Камал» болалар ташкилоти ташаббуси билан ақинлашиб келаятган янги йилга бағишлаб ўтказилган тадбир «Камолот»дан Янги йил» деб номланди.

● **КЕЧА** 66-махсус мактабда «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар Кенгашининг «Камолот»дан туҳфа» лойиҳаси доирасида «Камолот» ЕИХ Чилонзор туман Кенгаши ташаббуси билан тадбир уюштирилди.

● **ЎТГАН** кунни Юнусобод туманидаги ўқувчилар техник ижодиёти марказида туманнинг иктидорли ёшлари томонидан зардушлик, тикувчилик, тўқувчилик, авиамодел ва автомобиль йўналишларида тайёрланган асарлар кўргазмаси бўлиб ўтди.

● **БУГУН** Бектемир туман марказлашган кутубхоналар тизими, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, «Камолот» ЕИХ туман бўлими ҳамкорликларида «Сувсозлар» майдончасида «Янги йил саргузаштлари» мавзусида уюштирилган театрлаштирилган тадбирда мактабларнинг ўқувчилари иштирок этишди.

● **БУГУН** Чилонзор туманидаги «Бўстон» маҳалласида Ал-Хоразмий, «Гулистон» маҳаллалари ёшлари иштирокида «Камолот» ЕИХ Чилонзор туман Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган тадбир «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар Кенгашининг «Камолот»дан Янги йил» лойиҳаси доирасида уюштирилди.

● **ТОШКЕНТ** шаҳар ўқувчилар ижодиёти марказида «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан «Камолот» етакчилари учун уюштирилган семинарда Миробод ҳамда Мирзо Улугбек тумани вакиллари иштирок этишди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.



Шаҳримизда фаолият юритаётган «Kland» хусусий фирмасида тикилаётган чарм курткалар чиройли ташки кўриниши ва сифатлиги билан хари доригирди.

СУРАТДА: фирма раҳбари Абдукарим Абдурахмонов ва тикувчи Умида Хушмуродова тайёр кийим сифатини кўздан кечирмоқдалар.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ «БАНКРОТЛИК ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИНГ 110,111,133 ВА 135-МОДДАЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2005 йил 22 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2005 йил 2 декабрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунига (2003 йил 24 апрелда қабул қилинган 474-II-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, №5, 63-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

- 1) 110-модданинг:**
олтинчи қисмидаги «ва ташки бошқарув режасида» деган сўзлар чиқариб ташлансин;
ўн учинчи қисмининг **иккинчи жумласи** қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«Корхона (бизнесни) сотиш нархи кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитасининг қарори билан пасайтириши мумкин, бироқ бунда пасайтириш аввалги ким ошди савдосидаги нархнинг 10 фоизидан кўп бўлмаслиги керак»;
- 2) 111-модданинг биринчи қисмидаги** «ташқи бошқарув режасида ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;
- 3) 133-модда** қуйидаги маъ-

мундаги қисм билан тўлдирилсин:
«Агар қарздорнинг бутун молуки гаров нарчаси бўлса ва гаровга қўйилган мол-мулкни (гаров нарчасини) сотишдан тушган сумма кредиторларнинг гаров билан таъминланган талаблар суммасидан кам ёки унга тенг бўлиб қолса, кредиторларнинг гаров билан таъминланган талабларини қаноатлантириш ушбу Қонун 134-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган харажатлар қопланганидан ва талаблар қондирилганидан кейин ҳамда иш ҳақи тўлаш учун пул маблағлари берилишини назарда тутувчи тўлов ҳужжатлари бўйича талаблар қондирилганидан кейин амалга оширилади»;

4) 135-модданинг биринчи қисмидаги «агар кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси томонидан қарздорнинг мол-мулкни сотишнинг бошқача тартиби белгиланган бўлмаса» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2005 йил 20 декабрь.

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Германия Федерал Президенти Хорст Кёлерга Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги Элчиси Бахтиёр Фуломов ишонч ёрликларини топширди.

Бўлиб ўтган суҳбат давомида Х.Кёлер Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, замонавий таҳдидларга қарши туришдаги аҳамиятини таъкидлаб, Ўзбекистон-Германия муносабатлари даражасига ижобий баҳо берди ва улар келажақда ҳам барча соҳаларда муваффақиятли ривожланишига умид билдирди.

Ишонч ёрликларини, шунингдек, Туркия Республикаси Президенти Аҳмет Сезерга Ўзбекистон Республикасининг Туркиядаги Элчиси Улфат Қодиров, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмоновга Ўзбекистон Республикасининг Тожикистондаги Элчиси Шоқосим Шоисломов топширди.

«Жаҳон» АА

Обуна — 2006

«ОҚШОМ» ГАЗЕТАЛАРИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

У ҲАР ҲАФТАДА БЕШ МАРОТАБА ХОНАДОНИНГИЗГА КИРИБ БОРАДИ

Азиз оқшомхон! Шу кунларда мамлакатимизнинг барча алоқа бўлимларида газета ва журналларга обуна ишлари давом этмоқда. Жумладан, Сиз севиб мутолаа қиладиган «Тошкент оқшом» газетасига ҳам 2006 йил учун обуна-

ни расмийлаштиришингиз мумкин. Албатта, қарс икки кўлдан чиқади. Қайсики нашр мазмундор ва қизиқарли мақолалар билан ўқувчига манзур бўлса, унинг мушта-риллари ҳам ўз-ўзидан ортиб боради. Мана шу ниятда барча на-

шрлар қатори бизнинг «Оқшом» тахририяти аъзолари ҳам ўз ихлосмандларининг тақдир ва ихтидорларидан келиб чиқиб, келгуси йилда газетани янада ўқимшли-роқ қилиш мақсадида бир қатор режаларни белгилаб қўйди.

«Оқшом» газеталари 2006 йилдан бошлаб янги-янги рунчал остида ранг-баранг мавзудаги мақолаларни ўз саҳифаларида ёритиб боради. Шундай экан, Сизга ҳар доим энг яқин ҳамдам, ҳамфикр ва маслаҳатчи бўлиб келган севибли нашрингизга обуна бўлишга шошил-линг. Шундагина янги йилнинг биринчи кунидан бошлаб «Оқшом» хонадонингизга ўзи кириб боради. Бизнинг нашр кўрсаткичимиз — 563. Йиллик нашр баҳрси 30.780 сўм қилиб белгиланган.

XVI сақоси

Барча малбалардан олинган сўғит хабарлар

Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида мамлакатимиз ҳамда Франция ҳукуматлари ўртасида Жанубий Мирзачўл канални модернизациялашнинг учинчи босқичини ва Қорақалпоғистондаги аҳоли пунктларини сувни чўчуқлаштириш қурилмаси билан таъминлашнинг молиялаштиришга оид протокол имзоланди.

● Қақшадарё вилоятида «Сихат-саломатлик йили» Давлат дастури доирасида тўлиқ ҳомиёлар маблағлари ҳисобидан қурилган ва таъмирланган 7 та қишлоқ врачлик пункти ишга тушди.

● Қорақалпоғистон Республикаси Кўзи оқизлар жамияти янги йил байрами арафасида «Қинчоққурилиш» кичик корхонаси томонидан бунёд этилган барча шарт-шароитларга эга бинога қўйиб ўтди.

● Тошкент вилоятининг Пскент туманида 450 ўринга мўлжалланган маиший хизмат қўрсатиш касб-ҳунар коллежи фойдаланишига топширилди. Қиска муддат ичда бу ерда 1,5 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.

● Денов туманидаги «Чағоний» масъулияти чекланган жамиятида мотороллерларни ишлаб чиқариш бўйича лойиҳани татбиқ этишга киришилди.

● Термиз шаҳридаги вилоят универсал илмий кутубхонасида буюк бобокалонимиз Абу Али ибн Сино таваллудининг 1025 йиллигига бағишланган «Ҳаёт ғўзал — соғлом бўлинг» мавзусида катта тадбир бўлиб ўтди.

● Республика Киночилар уюмида «Ойбек» ҳужжатли фильмининг тақдими ўтказилди.

Жаҳонда

● БМТ Бош Ассамблеяси ва Хавфсизлик Кенгаши ташкилот доирасида доимий равишда фаолият кўрсатадиган тинчликпарвар комиссия тузиш ҳақида келишиб олди. Ушбу комиссия дунёнинг турли мамлакатларида вужудга келиши мумкин бўлган зиддиятлар ва зўравонликларнинг олдини олиш билан шуғулланади.

● Швейцариянинг Swiss Re суғурта компанияси тадқиқотларига кўра, жорий йил давомида бутун дунёда юз берган табиий офатлар, ҳалокатлар туфайли 112 минг киши ҳаётдан кўз юмди, қўрилган иқтисодий зарар эса 225 миллиард долларга етган.

● Ҳиндистоннинг энг йирик «INSAT-44» телекоммуникацияси сунъий йўлдошини учирмоқда. 12 йил хизмат қилиши мўлжалланган мазкур сунъий йўлдош қурилиши 80 миллион долларга тушди.

● Нигериянинг кинофильмлар ишлаб чиқариш санати — Ноллуид юксак тараққиёт даврини бошдан кечирмоқда. Ҳозирда ушбу мамлакат киноиндустрияси дунё бўйича Голливуд /АКШ/ ва Болливуд /Ҳиндистон/дан кейинги учинчи ўринга чиқиб олди.

ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Тошкентда «Ўзбек Лизинг Интернешнл А.Ж.» ва Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида Малайзиянинг «Vergo Group» компаниясининг тақдироти маросими ўтказилди. Тадбирда мазкур компания томонидан Ўзбекистоннинг қайта ишлаш тармоғи учун замонвий технологиялар етказиб беришга оид ҳамкорлик истиқболлари муҳокама этилди.

— 2005 йил октябрида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Малайзияга қилган расмий ташрифи чоғида ўтказилган бизнес-форумда «Vergo Group» билан мамлакатимиз ўртақчилиги ҳамкорлик шартномаси имзоланган эди, — деди «Ўзбек Лизинг Интернешнл А.Ж.» бош ижрочи директори Зафар Мустафоев «Туркистон-пресс» мухбирига. — Биз «Vergo

Group» компаниясининг мамлакатимиздаги лойиҳаларини молиялаштиришга ва узоқ мuddатли ҳамкорлик қилишга тайёрмиз. Компания ўз миқозларига фойдаланиш шартларини тақдироти эшти орқали ҳамкор-товар етказиб берувчилар кўламини кенгайтиришдан манфаатдор.

«Vergo Group» компаниясининг техник директори Маурицио Ризеттининг сўзларига

қараганда, мазкур компания қадоқлаш ва ўраш машиналари, турли материал, қўшимча қисм ва минерал хом ашё ташувчи асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Шунингдек, у хажонинг юздан зиёд давлатларига турли қадоқлаш машиналари, озиқ-овқат саноати учун музлатиш қурилмалари ва бошқа ускуналарни етказиб беради.

М.Ризеттининг таъкидлашича, компания инженерия, автоматлаштириш, ишлаб чиқариш, дастурлаш каби соҳалар бўйича технология ва илмий тақлифлар захирасига эга бўлиб, 39 йилдан бери фаолият юритиб келмоқда. Ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчиларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш мақсадида «Vergo Group» мутахассислари Тошкент, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида қатор учрашувлар ўтказишди.

Бизнес-семинар ишида қўшма корхоналар, кичик бизнес ва банк сектори вакиллари иштирок этишди.

Иқтисоқий

БЕТАКРОП ВА НАФИС БУЮМЛАР

Пойтахтимиздаги «Шер-Аз-техно» масъулияти чекланган жамияти тадбиркорлари томонидан тайёрланган чинни ва сопол маҳсулотларининг тури 200 хилдан ортиб кетди.

Ушбу маҳсулотлар, албатта бозорни ўрганиш асосида яратилиб, маҳаллий хом ашёдан тайёрланмоқда. Рўзгорда уй бекаларига зарур бўлган турли хил идишлар, ошхона жиҳозлари, гўлтуваклар, эсдалик совғалари, машиш-хўжалик буюмларининг барчаси азалий аънъанамиз, шарқона удумларимиз акси сифатида завқ уйғотди.

Корхонанинг фирма дўкони мавжуд бўлиб, у ердаги товарлар тури тез-тез янгилари билан бойиб боради. Бу борада эса корхона расом-дизайнерларининг ҳиссаси катта. Шунингдек, пойтахтимиздаги ўндан ортик савдо шохобчаларида корхонада тайёрланган чинни ва сопол буюмлар савдоси ҳам йўлга қўйилган.

Бозорни ўрганишга алоҳида эътибор қаратган тадбиркорлар янги маҳсулот турлари устида ҳам ишлашмоқда.

— Ҳозирда техника ҳамда қурилиш анжумлари керамикаси ишлаб чиқаришни режалаштириб, — дейди корхона раҳбари Азамат Абдуллаев. — Агарда мана шу мақсадимиз амалга ошса, яна қўшимча ишчи ўринлари яратишга ҳам муваффақ бўламиз. Бугунги бозор талабини эса ҳамкорликдаги савдо шохобчалари ва фирма дўконидаги таширф буюрған харидорларимиз фикр-мулоҳазалари асосида ўрганамиз.

САЛОМАТЛИК ЙЎЛИДА

Бетоб бўлиб қолганда, аввало шифокорга, сўнгра эса унинг тавсияси асосида дори-дармонга ишонгиз тушади. Сифатли ва зарур дори-дармонлар ҳамisha дориндигизга даво, саломатлигингизга гаров саналади.

«ASTRA FARM» масъулияти чекланган жамияти тадбиркорлари ҳам эл-юрт саломатлиги йўлида 1998 йилдан буюн фаолият кўрсатиб келмоқда. Фаолиятини 5 турдаги дори тайёрлаш билан бошлаган корхонада сабъ-харакатлар туфайли уларнинг хили 40 тадан ҳам ортиб кетди.

2002 йилда корхонага Хиндистоннинг «Kothari» компаниясидан суртма дорилар ишлаб чиқариш линияси келтириб ўрнатилди ва дори турлари кўпайди. Кейинчалик эса корхонага яна уша компаниядан суоқ дорилар ишлаб чиқариш бўйича янги технологиялик линия келтирилди. Спиртли аралашмалар, маз ва лимониментлар, суоқлик, ёғли аралашма ҳамда ўтлар ана шундай дорилар жумласидандир. Тадбиркорлар ҳозирда янги дори турлари устида иш олиб боришмоқда.

Шарофат БАХРОМОВА

ХАЛҚИМИЗГА ХОС ҚАДРИЯТ

Мамлакатимиз Президентининг Конституциянинг 13 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги «Инсон, унинг ҳуқуқи ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият» номли маърузаси бугун кўпгина идора ва ташкилотларда қизгин ўрганилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академиясида «Ҳомийлик халқимизга хос қадрият» мавзудаги илмий-амалий анжуман ҳам давлатимиз раҳбари томонидан белгиланган вазифаларга бағишланди.

Тадбирда мамлакатимиз раҳбари томонидан 2006 йилни «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилинмиши юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва қўлга киритилаётган ютуқларимизнинг мантқиқи ва узвий давоми бўлганлиги алоҳида таъкидланди. Зеро, йилларга ном бериш орқали барчанинг эътиборини яна бир бор жамиятдаги муаммоларга, бошқаларнинг дарди билан яшаш, Ватан равнақи, юрт ободлиги ва халқ фаровонлиги каби туйғуларни камол топтиришга қаратишди.

Ортбошимиз таъкидлаганидек, янги йилга ном бериш ва шу асосида махсус дастур қабул қилиб, уни амалга ошириш мана шу юрtdа яшайётган барча инсонлар учун иқтисодий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий муҳим масалалар. Дарҳақиқат, шифокорликни ҳомийликка қийёслаганда ҳар иккисида ҳам бир маъно намоён бўлади. У ҳам бўлса одамларга яхшилик қилиш, ўзгаларнинг дарди билан яшаш. «Ортбошимиз маърузасида эътироф этилганидек, бировнинг дардида шифо бериш учун ҳам, ҳам таъминланган ёки ноқор кишиларга ёрдам қилини қўшида ҳам юраги ва қалби тоза, ўзгалар учун яшашни ҳаётини эътиқодига айланган одамгина бундай савоб ишларга қодир бўлади.

Тадбирда қилинган маъруза ва чиқишларда айнан ҳомийлик тушунчаси, уни халқимиз ҳаётига қанчалик теран сингирб ўлмас қадриятимизга айланганлиги тўғрисида сўз борди. Анжуманда таъкидланганидек, «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» муносабати билан қабул қилинган давлат дастурида ҳам мамлакатимиз аҳолисининг саломатлигини асраб авайлашда энг асосий ўрин эгаллаши шубҳасиздир. Мазкур устувор вазифаларини ҳаётга таъбиқ этилишида эса шифокорлар билан бир қаторда тадбиркорлару ҳомийлар саҳovatпеша инсонларнинг ўрни бекиёсдир.

«Туркистон-пресс»

Маммулар

ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАРИНИ КЎРСАТИШДИ

Юнусобод туманидаги 12-мактабда «Сен қонунни билсанми?» кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди. Унда 21-, 240-, 97-, 17-, 235-, 271-, 257-мактаб жамоалари иштирок этиб, 5 та шарт бўйича ўзаро беллашдилар. Беллашув жараёнида «Хўқуқшунос», «Адолат», «Қилич ва қалқон», «Билимдонлар» гуруҳи вакиллари ҳуқуқий билимларини намойиш этишди.

— Акунловчи босқичда иштирок этаётган 7 та мактаб жамоаси томонидан саҳналаштирилган кўринишлар, вояга етмаган ўсмирлар, уларнинг айрим жиноятлари, унга қўриладиган жазо турлари ҳақидаги таъсирчан ҳаётий воқеалар ижроси ниятда жонли чиқди, — дейди ҳайъат аъзоси Доно Ризаева. — Айниқса, ўқувчиларнинг ўз ҳақ-ҳўқуқлари ҳақидаги қонунларни билиши бизни қувонтирди. Кўрик-танловда 5 та шарт бўйича юқори балл тўплаган 235-мактаб ўқувчилари жамоаси биринчи ўринни эгаллаб, шаҳар босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Махмууд ВАЛИЕВА



Эшлар — келажакимиз

ЗУККО ТАЛАБАЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ

Ҳар бир давлатнинг ижтимоий-сиёсий тузилмаси, миллий қадриятларга суянадиган тараққиёт йўли унинг қонунчилигида, аниқроғи, ҳажон андозаларига мос тарздаги тақомиллашиб борадиган қонунчилик ислохотларида ўз ифода-сига топади. Шу маънода ҳуқуқий-демократик жамият қуриш йўлида дадил одимлаб бораётган мамлакатлардан бири Ўзбекистон ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мамлакатимизда қонунчилик ислохотларини юқори савия ва талаблар даражасида амалга ошириш баробарида уни миллат ёшларини онгига чуқур сингдириш борасида ҳам муайян тажрибалар тўплашди.

Айниқса, Конституцияимизнинг 13 йиллиги муносабати билан Тошкент Давлат юридик институтида «Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари таҳлилий ёндашув» мавзусидаги илмий-амалий конференциянинг таъкидлаб ўтган мулоҳазаларимизнинг амалий тасдиғи бўлди, десак муболага қилмаган бўламиз.

Ҳажон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент Давлат юридик институти ва «Камолот» ЕИҲ Тошкент шаҳар бўлими ҳамкорлигида уюштирилган ушбу конференцияни ўтказишдан қўзланган асосий мақсад — Президентимиз томонидан имзоланган қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини прокуратурадан судлов органи зиммасига юклаш, ўлим жазосини бекор этиш тўғрисидаги меъёрий ҳужжатлар моҳиятини талабалар ўртасида таҳлил этишга имкониятлар яратиш бериш, келажак ворисларини

нинг илмий изланишларини рағбатлантириш, жамоатчилик орасида ушбу ислохотларга нисбатан ижобий фуқаролик позициясини шакллантиришдан иборат.

Тадбирнинг очилиш маросимида Тошкент Давлат юридик институти ректори, юридик фанлари доктори, профессор Мирзаов Рустамбоев, Олий Мажлис Сенати Қонунчилик палатаси ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Маъжуда Ражабова, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Нуриддинжон Исмоилов, Адлия вазирлиги ходими Эргаш Саидовларнинг мамлакатимизда олиб борилаётган суд тизимидаги ислохотларнинг асл моҳияти ҳусусидаги мулоҳазалари тингланди.

— Конференция ўз ишини Ҳажон иқтисодиёти ва дипломатия университетида бошлади, — дейди юридик фанлари доктори, профессор Мирноий Файзиев биз билан суҳбатда. — Бугун Тошкент Давлат юридик институтида ушбу конференциянинг якуний қисми ўтказилди. Анқуманда ўзининг мазмуни, пухта далиллари асосланган маърузалари билан қатнашган ҳар икки олий ўқув юрти профес-

сор-ўқувчилари, талабалари ҳам махсус сертификатлар берилди ва уларнинг илмий тезислари китоб ҳолида чоп этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ЖИДУ талабаси Азамат Раҳимовнинг «Ўлим жазосини бекор қилишда ҳорижий тажрибалар ва халқара меъёрлар», ТДЮИ талабаси Дилшод Ҳўжоновнинг «Энг олий ҳуқуқ», ЖИДУ талабаси Фотима Йўлдошеванин «Ўзбекистонда ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида», ТДЮИ талабаси Одилбек Манноповнинг «Смертная казнь... За и против», ЖИДУ талабаси Амир Султоновнинг «Анализ проблемы целесообразности применения смертной казни. Международная практика и мировые стандарты», ТДЮИ талабаси Бунёд Мухторовларнинг «Хеч ким, ҳатто қонун ҳам инсонни ҳаётдан маҳрум этолмайди», мавзусларидаги ишлари конференциянинг энг яхши маърузалари деб топилди ва махсус мукофотлар билан рағбатлантирилди.

Хидирали ПАНЖИЕВ СУРАТЛАРДА: илмий-амалий конференциядан лавҳалар. Алексей Попов олган суратлар.

МУРУВВАТ ЮКЛАРИ ТАҚДИМОТИ

«Соғлом авлод учун» халқара хайрия жамғармасида халқара ҳамкорлар томонидан келтирилган мурувват юкларининг тақдироти ўтказилди.

Тақдимот маросимида 3 миллион 227 минг 57 АҚШ доллари ва 834 минг 881 Евро қийматидаги табибий препаратлари жамғарманинг минтақавий филиаллари, Тошкент Педиатрия табибий клиникаси, Республика шохилин тез табибий илмий маркази, Эндокринология илмий текшириш институти ва Республика 1-сонли клиник шифохонаси вакиллари таъкидланди. Шунингдек, бу мурувват юклари республика ихтисослаштирилган кардиология марказига, Гематология ва қон қуйиш ИТИ га, Воҳидов номидаги республика ихтисос-

лаштирилган жарроҳлик марказига, Тошкент вилояти клиник шифохонасига, Бухоро вилояти кардиология диспансерига, Фарғона, Наманган вилояти кардиология марказларига, Самарқанд вилояти Ургут тумани ҳамда Сирдарё вилояти Янгйер тумани марказий шифохоналарига топширилди.

Тадбирда қатор вазирлик, Республика хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» жамғармасининг вакиллари иштирок этиди.

Ҳусан СУЛАЙМОНОВ, «Туркистон-пресс»

Мен бугуннинг қахрамонларини шундай тасаввур қиламан. Аввало юрагида, қалбида Ватанининг, миллатининг жажжи бир қиёфаси яшамоғи керак. Негаки, ана шу ҳилқат унга куч беради, қувват беради. Ватани, халқи, Истиқлоли йўлида ёниб яшаши ундайди. Бундай тоифадаги кишилар билан кўп учрашганман. Улардаги ўхшаш жиҳатлар шундаки, кўзларига, юзларига боққанингиздаёқ ёғлиб турган меҳр, муҳаббат тафтини - Ватанига, тугилиб ўсган заминига, халқига бўлган меҳр-муҳаббатни илғаб оласиз. Уларнинг шижоати, ғайрати, қатъияти, билими, тажрибаси маҳсули бўлган фидокорона ишларни, қахрамонликларни катта, кичик, ўртачага бўлиб бўлмайди. Уларга муайян ўлчам билан, қилиб билан баҳо бериб бўлмайди. Юрт истиқболли йўлида ёниб, бажарган ҳар бир иши қахрамонлик, мардлик, чин маънодаги фидойиллиқдир.

Кимдир спортда муваффақият қозониб, юртимиз байроғини баланд кўтарди. Кимдир илм чўққиларини забот этиб, дунёга ўз сўзини айтади. Кимдир бирон соҳани пухта эгаллаб, унга меҳр қўйиб, Ватани иқболи йўлида бор куч-билимини сарфлайди. Кимдир эса она юрт ҳимосида мардонор туриб хизмат қилади. Қани айтгани ахир, улардан қайси бирини ўзинга хос қахрамонлик, фидойиллик деб бўлмайди? Ёки бирини иккинчисидан устун қўйиб бўларканми? Уларнинг қахрамонлиги, жасорати битта негизга - ватанпарварликка бориб тушади.

Биринчи декабрдан Мудофаа вазирлиги қисм ва бўлинмаларида янги ўқув йили бошланди. Мудофаа вазирлиги қисмида ва бўлинмаларида таъриф этилаётган ҳарбий қисмининг механик-ҳайдовчи шартнома бўйича хизмат оддий аскарлари Хусанбой Аҳмедов ўзига бириктирилган техниканинг жанговар шай экинлигини, ўзининг профессионал посбон эканлигини, демакки, доимо ҳушёр, сергак туриб Ўзбекистонни ҳимоя қилаётганини исботлади. Хўш, бунинг юқорида таъриф этилаётган фидойиллик, қахрамонликдан нимаси кам? Бундайин мардонор хизмати, юксак жанговар шайлиги учун бу ўғлон Мудофаа вазирлигининг буйруғига кўра, қимматбаҳр совага билан тақдирланди. Бу юксак мукофотни Шарқий ҳарбий округи кўшинлари кўмондонининг тарбиявий шайлиги ўринбосари подполковник

Рустам Нодиров шахсий таркиб олдидан посбонга тантанали равишда топширди. Аслини олганда ҳам Хусанбойнинг хизмати доимий жанговар шайлики тақозо этади. Хўш, посбон учун жанговар шайлик нимадан иборат? Аввало шунини таъкидлаш жоизки, жанговар шай бўлиш учун ҳам руҳан, ҳам жисман Ватан ҳимосига ҳамиша тайёр турмоқ лозим. Қолаверса, посбон ўзига бириктирилган техникани, курол-аслаҳани доим шай ҳолатда ушлаши, сергаклиги, ҳушёрлигини бир лаҳза ҳам қўлдан бермаслиги керак. Ана шу омиллар жамланиб, яқлит бир жанговар шайлики ташкил этади. Лавҳамиз қахрамо-

мати йўлида олаётган раҳматлари, дуолари унинг руҳини шод қилса, ажабмас. -Сафдош дўстларим - кичик сержантлар Солиқон Турсунқулов, Иброҳим Убайдуллаев, шартнома бўйича хизмат оддий аскарлари - Алимардон Турғунов, Муҳаммад Хасанов, Фарҳод Раҳмонбердиевлар билан ўзаро ҳамкор, ҳамфикримиз. Ораимизда ўзаро мусобақадорлик ҳисси банд. Барчамизнинг мақсадимиз асл профессионал бўлиш, -деди лавҳамиз қахрамони. Шунингдек, Мудофаа вазирлиги подполковник Руслан Жумаев командирлик қилаётган қисмда бўлганида, механик-ҳайдовчи, шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Валижон Икромов ўзининг профессионаллиги, касбий маҳорати билан намуна кўрсатди. Шунинг учун бу ҳарбий хизматчи ҳам вазирнинг қимматбаҳо совага билан тақдирланди. «Уйламанки, бу рағбат, бу эътибор жамоани янги-янги жанговар ютуқлар сари руҳлантиради», деди мукофотни топшириши тантанасида Тошкент ҳарбий округи кўшинлари кўмондонининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник Курбон Аминов.

Ватан сурати балқиб турган кўзларига, қалбига боқдим, ўғлоннинг. Мен улардан садқатни, Ватанга, бурчга, қасамёвдига бўлган содиқликини ўқидим. Валижон 2002 йилдан шартнома бўйича хизматда. Чирчиқда Сержантлар тайёрлаш мактабини тугаллаб, профессионаллик сари қадам қўйди. Буни қаранг, унга ҳавас қилиб, ўқаси Алижон ҳам бугун шартнома бўйича хизматда.


—Механик-ҳайдовчи сифатида ўз вазифасини мукаммал билади. Жанговар техникага эътибори юксак. Баралла айта оламизки, бундайин кичик командирга суяншимиз, таяншимиз мумкин, -деди батальон командири майор Шухрат Ёқубов.

Кўриб турганингиздек, янги ўқув йилини ана шундай руҳда - юксак жанговар шайлик, масъулиятли, юксак малакали бўлиш руҳида бошлашди, посбонларимиз. Ҳар иккала лавҳамизда ҳам жанговар шайликини устувор бўлгани учун посбонлар муваффақият қозонишганининг гувоҳи бўлди. Хўш, юрт хизматида бундайин шайлик замирида нима ётибди? Лавҳамиз қахрамонлари билан суҳбатлашиб, жанговар фаолиятлари ни қузатиб, амин бўлдики, уларни улғувор мақсад - муастакл Ўзбекистонга, унинг порлоқ истиқболига хизмат қилишдек мақсад бошқариб турибди.

Шерзод ТОЛМАСОВ, майор

Ватан ҳимоячилари кўни олдидан ЖАНГОВАР ШАЙ ЭРУР ПОСБОНЛАРИМИЗ

Бугуннинг қахрамонлари деган тушунча атрофида узок ўйланаман. Бу ҳақда гап кетганда, табиийки, «Улар ким, қахрамонликлари, ютуқлари нимада?» ёки «Бугуннинг қахрамони бўлиш учун нима қилимоқ керак?» деган саволлар тугилади.



ни ўзига бириктирилган жанговар техникага катта эътибор қаратади. Масалан, янги ўқув мавсумига ҳам «тулпорини биринчилар каторида тайёрлади. Пивдалар жанговар машинасини тўсиқлар оша олиб ўтиш, кўприқдан ўтказиш, шаргли равишда миналаштирилган майдондан олиб ўтиш дейсими, хуллас барибарини дала-ўқув машғулотларида қойилмақом худдалаб келади. «Аскарликда ҳам тиришқок, интилувчан эди. Менингни қўл остида хизмат қилган. Шартнома бўйича хизматга олинган эса тажриба, кўникмаларини янада бойитди. Сержантлар тайёрлаш мактабида ўқиб нияти бор», дейди капитан Насим Суҳанов у ҳақда.

Мавлуда опа хушхабарни - фарзандининг Ватан ҳимоси йўлида олган -раҳматини аллақачон эшитиб улгурган. Отаси Муҳаммадали (раҳматли) акага кенжатоининг бундайин кўнларини кўриш nasib этмади. Уғлининг юрт хиз-

каммал билади. Жанговар техникага эътибори юксак. Баралла айта оламизки, бундайин кичик командирга суяншимиз, таяншимиз мумкин, -деди батальон командири майор Шухрат Ёқубов.

Кўриб турганингиздек, янги ўқув йилини ана шундай руҳда - юксак жанговар шайлик, масъулиятли, юксак малакали бўлиш руҳида бошлашди, посбонларимиз. Ҳар иккала лавҳамизда ҳам жанговар шайликини устувор бўлгани учун посбонлар муваффақият қозонишганининг гувоҳи бўлди. Хўш, юрт хизматида бундайин шайлик замирида нима ётибди? Лавҳамиз қахрамонлари билан суҳбатлашиб, жанговар фаолиятлари ни қузатиб, амин бўлдики, уларни улғувор мақсад - муастакл Ўзбекистонга, унинг порлоқ истиқболига хизмат қилишдек мақсад бошқариб турибди.

Анжуманлар

ФАН, ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИ

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази томонидан молиялаштирилган Фундаментал, амалий, инновацион лойиҳалар ва ҳўжалик шартномалари натижаларига бағишланган «Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси» мавзусидаги илмий-амалий анжуман ўз ишини бошлади.

Уч кун давом этадиган анжуманда пойтахтимиздан ва республика-миз вилоятларидан Давлат илмий-тадқиқот дастурлари бўйича илмий-амалий лойиҳалар, грантлар раҳбарлари, инновацион лойиҳалар ва ҳўжалик шартномалар раҳбарлари ва бажарувчилари, Тошкент Давлат техника университети ва бошқа қатор олий ўқув юрталари профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлари, илмий-тадқиқот институти ва-киллари иштирок этмоқда.

Анжуманнинг «Олий таълим тизимида фаннинг роли ва фан-таълим ишлаб чиқариш алоқаларини мустаҳкамлаш», «Ёқилги энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларнинг ўрнини тўлдир-риш ҳамда мамлакат иқтисодиёти-нинг прогрессив ривожланишини таъминлайдиган энергия ва ре-сурс-тежовчи технологиялар ва техник воситаларни ишлаб чиқариш», «Минерал хом ашё ресурсларини қидириб топши, қазиб чиқариш ва чўқур қайта ишлаш ҳамда улардан оқилона фойдаланишни ишлаб чи-

қиш ва мамлакат сонаот ишлаб чиқаришида илмий изланишларни талаб қиладиган технологиялар яратиш», «Атроф-муҳит муҳофазаси, соғлиқни сақлаш, экологик хавфсизлики таъминлаш ва табиатдан оқилона фойдаланиш муаммоларини ҳал этиш», «Аҳборот-компьютер технологиялари ва саноатни автоматлаштириш», «Жамиятнинг маънавий ва ахлоқий тикланиши, ёш авлоднинг тарихий, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунли-ги асосида тарбиялаш муаммолари», «Ўзбекистонда иқтисодиётни эҳсонлаштириш ва иқтисодий ис-лохотларни чўқурлаштиришнинг ил-мий асосларини ишлаб чиқариш» каби йўналишлар бўйича яқли ва шўбё-мажлисларида долзарб мавзудаги 400 га яқин маъруза, илмий чиқиш-лар тақдим этилди.

Нашр қилинган 2 қисмдан иборат «Маърузалар тўплами» ва анжуман материалларини ўз ичига олган «ТошДТУ хабарлари» илмий журналининг маҳсули сони анжуман-нинг юқорида кўрсатилган йўна-

лишлари бўйича долзарб мавзуда-ги илмий-тадқиқот ишлари натижа-лари, илмий ва техник ҳамкорлик соҳасида тажриба алмашиш, олий таълим муассасалари ва бошқа ташкилотларнинг ўзаро алоқалари-ни ривожлантириш, республика олимларининг катта интеллектуал салоҳияти билан танишиш имкони-ни беради. Анжуманда иқтидорли талабалар университетдаги ёшлар Беруний академиясининг «Техника юлдузлари» журналида чоп этилган, устозлар раҳбарлигида тайёрлан-ган мақола, маърузалари билан кат-нашмоқда.

Анжуман доирасида ТошДТУда олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари натижалари бўйича кўрғаз-ма тақдир этилган. Унда энергия ва ресурс тежовчи технологиялар, ма-шинасозлик, атроф-муҳит муҳофазаси, экологик хавфсизлики таъмин-лаш, саноатни автоматлаштириш, минерал хом ашё ресурсларини қазиб чиқариш ва қайта ишлаш ва бошқа қатор йўналишлар бўйича ишлар намойиш қилинмоқда.

Хасан АБДУЌАЗАРОВ

Мағнавият

КИТОБХОНЛАР СЕВГАН КИРОАТХОНА

Бундан ўн йил аввал пойтахтимиздаги Лев Толстой номидаги марказий кутубхонада немис кироатхона зали ташкил топган эди. Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда Тошкентдаги Гёте институти сай-ҳаракати билан оқилган бу мўъжаз зив майдонда шундан давр мубайнида ўзининг бой адабиётлар жамғармасига эга бўлди, фаол китобхонлари сони кўпайди.

Ҳозир бу ерда Германиядан келтирилган немисча китоблар сони беш мингдан ортиқ нусхани ташкил этади. Бундан ташқари немис диёрида чоп этилаётган даврий нашрлар билан ҳам танишиш мумкин.

Айни вақтда ўқув фильмлари, аудиоёзувли матнлардан ўқувчилар кенг фойдаланадилар, фаол китобхонлар билан уюштирилаётган давра суҳбатларига таниқли немис зиллилари тақлиф этилмоқда.

МАРКАЗДА КИНОКЛУБ

Республикамиз пойтахтида Россия Федерацияси Фан ва маданият маркази иш бошлаганига ҳам кўп вақт бўлганича йўқ. Аммо шу қисқа вақт ичиде марказ фаолияти кенгайиб, қатор тадбирлар амалга оширилди.

Марказ ўзининг киноклуби ҳам эга бўлди. Россия ва Ўзбекистон киночилари ҳамкорлигида фаолият кўрсатадиган олдинги янги экран асарлари намойиши кенг йўлга қўйилди. Айни вақтда таниқли кино режиссёр ва операторлар давра суҳбатларини ўтказиш аънамага айланди.

Киноклуб мухлисларни «Маслаҳатчи» деб номланган фильм билан хушнуд этди. Бу экран асари Россияда суратга олинган энг яхши картиналардан бири деб баҳоланди.

Транспорт

МОХИР ХАЙДОВЧИЛАРГА ФАХРИЙ НОМ

Тошкент шаҳар йўловчилар ташиш транспорт корхоналарида ўз касбининг фидойилари бўлган транспортчилар кўп. Уларнинг ўз бурчига меҳр билан ёндошларни туфайли шу соҳада қатор ютуқлар қўлга киритилмоқда.

Пойтахтимиздаги 3-автобус саройида ҳайдовчилик касбининг эъозлаб келаётган Орифжон Толибжонов ҳам йўловчиларга яхши таниш. Унинг кўп йиллик меҳнати яқинда муносиб тақдирланди. Ишлаб чиқаришдаги юқори кўрсаткичлари, жамоат ишларида фаол иштироки учун бу тажрибали ҳайдовчига «Тошшаҳар йўловчилар» акционерлик компанияси томонидан таъсис этилган «Тошкент шаҳар йўловчилар ташиш транспорт фахрий ходими» нишон топширилди.

Мазкур саройнинг яна икки нафар транспортчиси ҳам бундай фахрий ном эгаси бўлди.

Ақбар АЛИЕВ



Бахтиёр Содиков олган суратлар.

Фасллар

ЎЗ ХИСЛАТИ БОР

Хар фаслнинг ўзига хос хислати-ю фазилати бор. Киш ҳам бундан мустасно эмас. Бугун ўлкамизда киш хукмронлик қилаётган бўлса-да, кузги хазонрезгилик давом этмоқда. Шундай дамларда киш хавосидан тўйиб нафас олиб, шаҳар кезганга ниво етсин. Шу ниятда йўлга отландик. Автобусда бораётиб теварак-атрофда рўй бераётган куз-киш мўъжизаларини кузатдик. Зеро, декабрь охи охираб бораётган бўлса-да, табиат сахийлик билан қуёш нурини атрофга тарқатиб турибди. Албатта бундай дамларда фаррошларнинг қўли-қўлига тегмайди. Вақт ганимат. Корли-кировли кунларга қолиб кетмай дарахтлардан тўкилаётган сўнги хазонларни ҳам йиғиштириб олиш пайида юришибди. Баъзи жойларда, йўл чеккаларида тутаб ёнаётган хазонларга ҳам ўқтин-ўқтин кузгинг тушиб қолади. Унинг аччиқ ҳид ва тутунидан ўша жойдан ўтиб бораётган йўловчилар беэзота. Бундай ҳол хар қандай кишининг кайфиятини бузади. Шу сабабми ёки кўпчиликнинг дилида анчадан бери тўпланиб қолган гапми, ишликлиб бирдан суҳбатимиз ўз-ўзидан қизиб кетди.

Хар йили хазонларни ёқмаслик ҳақида гапирилади. Лекин барибир кўпчилик бунга амал қилмайди, — дейди йўловчилардан бири катта йўлнинг бир қисмида тутаб ёнаётган хазонларга назар ташлаб. Шундай ўзбошимчалик туфайли азиат чекаётганлар ҳам йўқ эмас. Тунов қуни қўшимчи ховлисида тўпланиб қолган хазонларни ёқиб юборган экан, шамол туриб, ёнган хазонларни учуриб томига уйиб қўйилган хашакка урибди. Қўшни тушмагур бундан беҳабар, бемалол уйда телевизор кўриб ўтираверибди. Бир вақт қараса унинг томи ёнаётган эмши. Ердამга одамларни чақирибди. То кўпчилик тўпланиб ўт учурувчилар келгунча аланга бутун уйни ҳоплабди. Хуллас беchorа анча жабр қурди, — деди суҳбатта қўшилиб орқа ўриндикда ўтирган ўрта ёшлардаги киши.

Хазонлардан кутулишининг осон йўлини топиб олишган. Улар хар кунги тўпланган хазонларни ёқиб юборишни маъқул кўришади, — дейди олдинги ўриндикда ўтирган нуруний отахон. — Аслида улар бу қилмишлари билан атроф-муҳитга зиён-заҳмат етказётганликларини билишмайди. Қадимда хазонлардан фақат ўғит сифатида фойдаланиларди. Хар бир қонадонда хазонни тўплаш учун махсус ўралар қавланарди. Уларга супуриб туширилган хазон, хашаклар киши билан чириб эрта баҳорда тайёр ўғитга айланарди. Хозир негадир шу фойдалани усул биздан тобора узоклашиб боряпти. Хонадонлар ўз йўлига, лекин гажвум кўчалар ва хиёбонларда баъзан ёнаётган хазонларни курган кишининг фаши келади. Ахир уларни олиб кетадиган махсус машиналар бор. Лекин шунга қарамай, баъзи фаррошлар улардан тезроқ кутулиш чораларини излашади, — дей-

ди яна биров. — Хатто, неча йиллик дарахтлар тагига тўпланиб қолган хазонларни йўқ қилиш учун дарахтга зиён-заҳмат етишини уймай ёқиб юборишади-я. Шу кўни сафаримиз давомида шахримиздаги бир неча кўчаларда бўлдик. Чиндан ҳам баъзи жойларда тўпланиб қолган хазонларнинг ёнаётганига шохид бўлдик. Ахир она табиат яратган неъматлар, мўъжизалар орасида ҳеч бир ортиқча нарсаининг ўзи йўқ. Олимларимиз хатто чиқиндилардан ҳам турли воситаларда фойдаланиш йўллариин излаб топмишган. Хазонлардан қандай фойдаланиш мумкин, деган саволни улар хукмига ҳавола этиб, хозирча биз хазонларни бекорга нес-нобуд қилмай, ота-боболаримиз қўллаган усул, ҳеч бўлмаса улардан ўғит тайёрлашда фойдаланиб турсак нур устига нур бўларди.

М.ОРИПОВ

ҲАЙВОНОТ ОЛАМИ

Дунёдаги энг зўр ва энг алл хайвон—кўк ва кўкмиш кит ҳисобланади. Унинг каттаси 120 тонна тоза босади. Узунлиги 33 метр, юраги 600-700 килограмм. Жигари эса ундан ҳам катта бўлиб, 1 тонна, тили 3 тонна келади. Кўк ва кўкмиш китнинг танасидаги қони 8 миң литр, ичакнинг узунлиги 4 километр, ошқозоннинг катталиги 3 миң квадрат метр. Шундай катта китлар баъзан кемаларни ҳам судраб олиб кетар экан. У 1700 отиниг кучига эга. Кит сувда саатига 38-40 километр тезликка суза олади. Нафас олганда 14 литр ҳаво ютади. Китдан 50 тонна тоза мой олиш мумкин. Китнинг янги туққан тазасининг узунлиги 6-7 метр бўлиб, оғирлиги 5-6 тонна бўлади. У хар кеча-кундузда оғирлигига 60-70 килограмм қўшиб боради. Кит сутининг 45-50 фоизи мой бўлади. Она кит бир кеча-кундузда 200-300 литр сут беради.

Дунёдаги энг катта балиқ—акула. Хозирда музайда сақланаётган унинг бир жағ суягининг ичига 8 одам бемалол сиғади. Хозир ҳам шундай катта акулар бор. Бикини катта, қалта тумшук, кичкина балиқнинг йиртқичилиги акула ва тимсохдан қолишмайди, агар одам дуч келиб қолса борми, унга ташланиши турган гап. Бу Американинг Амазонка дарёсида яшайдиган парий деган балиқдир. Унинг тиши пичоқдек ўткир. Улар гала-гала бўлиб юришади. Сайёрамизда ўта кичкина балиқлар ҳам учрайди. Пандага балиқ қумроқка ўқшаб. Балиқларнинг кичкиналигидан уларнинг 15 тасини узунлиги 12 миллиметр ангишвонага хойлаштириб тузлаш мумкин. Шри-Ланкада ер бағирлаб юрадиган балиқларнинг хиллари ҳам бор экан. Улар суви қуриган дарёлардан қирғоққа чиқиб сув излайди. Баъзан бир ярин километрдан ошқир бағирлаб юриб, қуруқликда бир хафта яшай олар экан.

СИФАТИ ХОРИЖНИКИДАН ҚОЛИШМАЙДИ

Ўзбекистон Республикасида охириги 5 йил мобайнида хорижий инвесторларнинг кириб келиши муносабати билан корхоналар илгор технологик асбоб-ускуналар билан таъминланмоқда. Буни асосан тўқимачилик соҳасида, радиоэлектроника, ноширлик соҳаларида аққол кўриш мумкин. Масалан — «УзДЭУэлектроник» корхонасининг 2005 йилдан тўлиқ ишга тушиши билан бозор ва дўконларда телевизорлар кўпайиб қолди ва уларнинг нархлари анча арзонлашди. Яна бир завод «Абразив» хозирда «Оловдан Кучли» деб номланган. Бу корхонада ҳам ички имкониятдан келиб чиққан ҳолда /оловга чидамли/ гиштлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. У бугунги кунда аҳолини гишт билан таъминламоқда. Сифати хорижникидан қолишмайди. Завод тўлиқ реконструкция қилиниб ишлаб чиқариш жараёни автоматлаштирилди. Ишчиларнинг дам олиши учун корхона худудида кўкаламзорлаштиришга катта аҳамият берилди.

С.МАХАМАТОВ, давлат нозири.

Юқорида кўрсатилган масалалар юзасидан меъёрий лойиҳалар ишлаб чиқиш бўйича раҳбарий ҳужжатлар ва қонунлар қабул қилинган. Олий мажлис томонидан табиати муҳофаза қилишга оид қонунларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида керакли ишлар олиб борилмоқда. Шайхонтоҳур туманида жойлашган ишлаб чиқарувчи ташкилотларнинг 1996 йил 27 декабрдаги «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги» қонунни бажариши юзасидан 53 та қонунда ифлослаштирувчи моддаларнинг меъёрий лойиҳаси мухтаассислар томонидан ишлаб чиқилган. Ҳужжат беш йил муддатга берилганда корхоналар томонидан атмосфера ҳавосини

Мунчапарга

ҚОНУНЛАР АМАЛДА

Хозирги кунда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси асримишнинг энг йирик муаммоларидан бирига айланган. Табиати муҳофаза қилиш, бу — сувдан оқилона фойдаланиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини сақлаш, атмосфера ҳавосининг тозаллигини асраш, ҳосил бўладиган чиқиндиларни тўғри зарарсизлантириш чораларини ўз вақтида қўришдан иборат. Биз бу ўринда биргина Шайхонтоҳур туманида олиб борилаётган ишлар юзасидан сўз юритдик. Юқорида кўрсатиб ўтилган қонунларнинг бажарилишини яхши таъминласак, табиати муҳофаза қилиш олдиндаги вазифамизни одилона бажарган бўлаемиз. Д. СУЛТОНОВА, Шайхонтоҳур тумани нозири



Хаммага маълумки, инсон овқатсиз 50 кун, сувсиз — 5 кун, ҳавосиз эса 5 дақиқагина яшай олади. Олимлар шуни тасдиқлашадик, биз нафас олаётган ҳавонинг тозаллиги санитар қоидаларига тўғри хавоб берса, унда инсон хозирги яшаётган муддатидан янада узокроқ умр кўриши мумкин экан.

Муҳофаза

СУВ — БЕЪАҲО ҲОЙЛИК

«Сув — бу ҳаёт». Бизнинг ўлкамизда илгаридан унинг томчилари қадрлиб келинган. Айниқса ичимлик сувининг танқислиги пайтида уни авайлаш жуда муҳимдир. Бизнинг авлодларимиз ҳалигача дарё ва каналларимизда тоза сув келганини ва уни қўрқмасдан истеъмол қилганимизни яхши билишади. Хозир эса дарё ва сув хавзаларининг ўзлари ер ости сувларини ифлослантирувчи манбаларга айланганлиги сабабли оғир оқибатларга олиб келяпти.

манбаларидан ўйламай фойдаланиши, оқаваларни тоза сув зарга оқизиш, маиший чиқиндиларни ноўрин жойларга ташлаш оқибатида янчили холатлар юз бермоқда. Фан ва техниканинг ривожланиши, янги энергия манбаларининг кашф этилиши, янги қимёвий моддаларнинг вужудга келиши, турли захарли саноят корхоналарининг қўпайиши, буларнинг барчаси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида жиддий муаммоларни вужудга келтирмоқда. Лоқайдлигимиз натижасида инсон яшаётган атроф-муҳитнинг саноят чиқиндилари билан ифлосланиши ва тирик мавжудотнинг захарланиши юзага келди. Чиқиндилар қуруқлик қилиб, дарё ва сув манбаларига, ҳатто аҳоли зич жойлашган ерларга ҳам ташланмоқда.

Лойиҳалар

ИЖОБИЙ НАТИЖАЛАР

Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш кўмитасининг давлат экологик экспертизаси бўлими мутахассислари Ўзбекистон Республикасининг «Экологик экспертиза тўғрисида»ги қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирил Маҳкамасининг 491-сонли қарори бўйича тасдиқланган давлат экологик экспертизаси тўғрисидаги Низоми ва бошқа табиати муҳофаза қилишга оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, қўлланмалар асосида, мўйайн ишларни амалга ошириб, ўз олдларига қўйилган топшириқларни бажаришда бир қадар ижобий натижаларга эришдилар. Жумладан 260 та объект экологик экспертизадан ўтказилди, шундан 4 та лойиҳа камчиликлари бўлганлиги учун қайта ишлашга юборилди. Бўлим экспертиза хулосаларининг сифатини ошириш мақсадида Тошсувгео, Атмосфера, Қазилтептеология, ТашбонларНИТИ каби институтлар ва бошқа илмий-тадқиқот ва лойиҳа институтлари мутахассис олимларини хизматига иш олиб борилмоқда. Шу вақт давомида 12 та шатдан ташкари мутахассис экспертиза ишлари га жалб этилди. Бундан ташкари экологик жиҳатдан мураккаб ҳисобланган 3 та лойиҳа экологик экспертиза кенгаши томонидан қўриб чиқилиб, муҳокама этилди.

Кўмитамиз шаҳар ҳокимияти тизимидаги ташкилотлар, банк муассасалари билан алоқаларни кучайтириб макроиқтисодиёт ва статистика бошқармаси томонидан тайёрланган ва ўтган йилда амалга оширилган қурилиш ва жорий қайта таъмирлаш мажмуаларининг рўйхатини олиб, уларни тўла экологик экспертизага жалб қилиш бўйича доимий назорат ўрнатган.

Мўълумки, шаҳар атроф-муҳити ҳолатини ўзгартиришда сув ҳавзалари, каналлар мўҳим ўрин тутайди. Шу ўринда Салор каналининг ўрни диққатга сазовор. Салор канали шахримизда 6 та туман ҳудудидан оқиб ўтади. Яқин вақтларгача унинг санитария-экологик ҳолати қониқарсиз аҳволда эди. Кўмитамиз ходимлари табиати муҳофаза этиш қонуни ва бошқа бир қатор сув муҳофазасига қаратилган ҳукумат қарори, фармоишларидан келиб чиқиб, Салор каналининг экологик ҳолатини яхшилаш бўйича бир қатор ишларни бажаришди. Хусусан «Ўздавсувлоийха» институти томонидан Салор каналини таъмирлаш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилди ва унга ижобий экологик экспертиза хулосаси берилди. Лойиҳада канал ўзанини бетон плиталар билан қоплаш, унинг қирғоқлари бўйлаб сув муҳофаза йўлакчаларини ташкил қилиш, сув ҳажмини 3-4 мартага қўпайтириш, натижада каналда оқва чиқиндиларни йиғиб бартараф этиш кўзда тутилган. Бу эса сувнинг тозаллигини оширади. Экологик экспертиза бўлими мутахассис-экспертлари шаҳар архитектура ва қурилиш бошқармасининг ер танлаш ҳамда шаҳарсозлик кенгашининг аъзоси сифатида доимо иштирок этиб, унда қўриб чиқилаётган масалаларга ўз муносабатларини билдиришлар. Ҳисобот даврида ер танлаш жараёнида экологик экспертиза хулосаларини бериш бир мунча қўпайди.

Ш. ҲИДОЯТОВ, Н.БУЗРУКХОНОВА, Давлат экологик экспертиза бўлими мутахассислари

Корхоналарга

ТАБИАТ МУҲОФЗАСИ БОШ ОМИЛ

«Сувасбобускунамаш» корхонаси хозирги кунда «Ташэлектррош» номига ўзгартирилиб, корхона Бектемир туманидаги йирик ишлаб чиқарувчилар қаторига қиради. Корхона бошқаруви раиси Аман Бектаев. Корхона Тошкент шаҳри, умуман республикамизга электр подстанциялар, трейлерлар, экскаватор кабиналари ва халқ хўжалиги моллари ниетказиб беради. Корхонада тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифатини ошириш мақсадида бир қатор янги технологиялар ўрнатилмоқда ва тайёрланаётган маҳсулотларга Европа стандартлари сертификатини олиш жараёни кетмоқда.

Корхонада табиати муҳофаза қилиш бўйича ишлар яхши йўлга қўйилган. Табиати муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги бўйича Фаина Подройко муҳандис этиб тайинланган. Корхона амалга оширилган ўзгаришлар ва янги лойиҳалар бўйича давлат экологик экспертизаси ижобий хулосасини 2005 йил 23 ноябрда олган.

Корхона ҳудудида бир неча ишлаб чиқариш цехлари ва транспорт цехи бор. Корхона ҳисобида 19 та автотранспорт воситаси бўлиб, шундан хозирги кунда 14 таси ишлайди. Транспортлар цех ҳудудида жойлашган АЕКШдан ёқилган биан таъминланади. Корхона ишлаб чиқаришда ўзининг сув қудуқидан фойдаланади. Қудуқнинг сувини таъминлашнинг қам-майтириш ва атмосферани ифлосланишдан сақлаш мақсадида 5 та чанг ва газ тозалаш ускуналари ўрнатилган. Бу ускуналарнинг ҳаммаси ўз паспортларига эга. Бир йилда 1 марта лаборатория ходимлари қақир-тирилиб чиқаётган зарарли моддалар микдори текшириб турилади.

Хозирги кунда рухсатнома-нинг муддатини чўздирши ишлар олиб борилмоқда. Қудуқдан сув 64 метр чуқурликдан ЭЦВ-10-120-60 маркали насос билан чиқарилади. Сув чиқиш қувурига ВТ-100 маркали сув ўлچагич ўрнатилган. Сув ҳисоби юритиб борилади. Олина-

К.ОРИФЖОНОВ, Д.ДЕҲҚОНОВ, Бектемир тумани нозирилари



Рустам Шарипов олган суратлар.

Мўъовлар ТЕКШИРУВЛАР ЎТКАЗИЛДИ

Шаҳар табиати муҳофаза қилиш кўмитасига Учтепа тумани бўйича умумий компенсация тўловларини топширадиган корхоналар сони 187 та, шундан 105 таси давлат экологик экспертизаси хулосасига эга, қолганларига эса кўрсатмалар берилган.

Маҳаллалар сони — 50 та, мактаблар — 38 та, боғчалар — 53 та. 2005 йилнинг иккинчи ярим йиллигида 12 та боғча ҳудудида жойлашган хар хил навли дарахтларни буташ ишлари олиб борилди.

Туманда 25 та йирик корхоналар мавжуд. Туман ҳудудидаги 26 та корхонада «Атмосфера ҳавосига зарарли моддалар чиқарувчи манбалар рўйхати» ҳужжати тузилган бўлиб, ҳамма корхоналарнинг рухсатнома муддати ўтмаган. Бундан ташкари 22 та корхонада артезиан қудуғи бор. Хар бир корхонада «Сувдан махсус фойдаланиш рухсатномалари» ишлаб чиқилган. Хусусий тадбиркорлар сони 145 та, шундан 102 тасида давлат экологик экспертизаси хулосаси бор.

2005 йил мобайнида туманда 52та корхона экологик экспертиза хулосасини олган.

6 та корхонада олдинги режа текширувида аниқланган камчиликларнинг бартараф этилиши бўйича қисқа текширувлар ўтказилди.

Туман ҳудудида мехмонхона йўқ, 1 та супермаркет бўлиб, у компенсация тўловларини ўз вақтида тўламоқда. Бундан ташкари 2 та институт, 5 та лицей, коллеж мавжуд. Туманда 8 та йирик —Фарход, Турсунқулов, Уйғур, Халқа йўли, Заргарлик, Ширин, Катта Қазни, Истриҳат қўчалари бор.

Туман ҳудудида 5 та бензин ва 2 та газ ёқилги қўйиш шохобчалари фаолият кўрсатади. Ҳудуддан Бўзсув ва Қорақамиш каналлари оқиб ўтади. Каналга оқва сув ташловчи корхоналар йўқ. 18-автосарой корхонасида айланма сув тизими қурилган, Қорақамиш каналига оқва сув ташлаш йўқ қилинди.

2005 йил мобайнида «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш» тўғрисидаги қонуннинг бажарилишини текшириш натижасида Фуқароларга 17800 сум маъмурий жазо қўлланилди. Компенсация тўловлари бўйича 26 та корхоналарга даъво талабномалари берилди.

2005 йилда туманда экологик тарғибот ишлари мактабларда ҳам намунали олиб борилди. М.УМАРОВА, О.ТУРОБОВ, давлат нозирилари

Ойла давраида

сўхбатлар

Акс садо

БАХТНИНГ БЕКАТИ — БОЛАЛАРИНГИЗ

Газетада чоп этилган “Бахтнинг бекати борми?” деб номланган мақоладаги воқеа бугунги кунда содир бўлаётган оғрикли, аламли нуқталаримиздан бирidir.

Наргис! Аёл зотининг жони қирқта дейишади. Мен бу фигурга бошқачароқ ёндошмоқчиман. Аёлнинг минг битта жони бор. Ушаларнинг ҳар бирида андиша, сабр деган туйғулар мужассам. Аммо ҳар бир нарсанинг чегараси, меъёри ҳам бор. Андишанинг отини қўрқок дейдилар. Сиз оила шаънини сақлаш, болаларни тарбия қилиш килмаслик учун қуратибсиз, кутибсиз. Энди бу ёғига юрагингиз буюрган ишни қилинг. Менимча энг тўғри йўл ҳам шу. Зеро умр бир марта берилди. Яшаш керак, болаларингизнинг келажаги учун масъулсиз. Балки бундан кейинги ҳаётингизга, оилангизга Худо тинчлик, хотиржамлик ва бахт ато этар, балки эрингиз инсофга келиб қолиб, айбини тушуниб етар...

Сизга сабр-бардош тилайман. Юрагингиз сизни ҳеч қачон алдамайди. Сиз ёлғиз эмассиз, фарзандларингиз сизнинг бойлигингиз, борлигингиз. Ўқсимаг, ҳаётингизда нурли ойдин кунлар албатта бўлади. Ишонинг, умид ва орзулар билан яшаг.

Маъсуда ИШМУРАТОВА,
Мирзо Улуғбек
туман хотин-қизлар
қўмитаси раиси
вазифасини бажарувчи.

ТАФАККУР КАМОЛОТИ

- Тўғри ўсган теракка чиқиб кийин.
- Жилга қўшилмаган томчи шудринглигича қуриганда ютади.
- Бармоқларнинг бир ўзи ҳеч нима қила олмайди, бирлашганда ҳар ишга қодир.
- Узок «яшаш»ни истасанг, муҳит билан тенг юр, орқада ҳам қолма, олдинга ҳам ўтқи кетма.
- Ҳар бир ишда, юмушда иймонсизлар тез сидади.
- Фазилати кўп инсонларнинг сармоси кўп бўлади.
- Яхшиликнинг шамчироғи ёмонликнинг қароғон нуридан

- қўра афзалдир.
- Ташқи қиёфасига қараб алданманг, ички дунёсига назар солинг, чунки ҳақиқий чирой сиртидагисигина эмас, қалбидегиси ҳамдир.
- Февели кенгнинг уйи кичик бўлса ҳам бағри кенг, сиғиб кетасиз. Торникига борманг, уй кенг бўлса ҳам қисилиб қоласиз.
- Улуғлик уруғи лабзи ҳалол инсонлардагина унади.
- Нигоҳингизни бугунга эмас эртага қаратинг, бугун ўтиб бўлаяпти, эрта эса келаяпти.

Тўлқин МУХИДДИН

Ёш вақтингизда

Энига: 5. Тўпли спорт ўйини. 8. Хафта кун. 9. Гўзаллик, нозиклик. 10. Куйи ботган пайт. 12. Портловчи қурол. 15. Покистондаги Ҳинд вилоятининг асосий аҳолиси. 19. Ўзбек халқ мақоми. 20. Уй жиҳози. 21. Техника экини. 22. Билим олувчи. 23. Чорва моллари жамоаси. 24. Ит зоти. 25. Қорақалпоғистондаги шаҳар. 27. Вилот. 29. Газ модда. 30. Транспорт корхонаси. 31. Ўзбекистон халқ шоири, драматург. 32. Жундан ёки ипақ аралаштириб тўқилган газлама. 35. Ақлий спорт ўйини. 38. Иш қийими. 39. Тожикистон халқ ёзувчиси. 40. Ўзбекистон халқ хофиз.

Бўйга: 1. Юк ташишда ишлатилган анжом. 2. Жуда паст, йўғон муסיқий овоз. 3. Механизмнинг конус шаклидаги қисми. 4. Сўз туркуми. 6. Шеърят анжумани. 7. Ҳисоб илмининг илдири чиқариш амалида қўлланиладиган белги. 11. Пойтахтимизнинг қадимий дарвозаси. 13. Мирзо Улуғбек бунёд эттирган иншоот. 14. Киракаш транспортнинг босиб ўтилган йўлга нисбатан тўланадиган ҳақни кўрсатувчи қурилмаси. 16. Арқонда юриб томоша кўрсатиш санъати. 17. Интер газ. 18. Шон-шараф ҳисси. 26. Алпомиш сиймосини сахнада гавдалантирган устоз санъаткор. 28. Форс-тожик мумтоз мутафаккир шоири. 30. Ҳўл мевадан тайёрланадиган ичимлик. 34. Шифобахш чўл гиёҳи. 36. Ижодкор, халқ достонларининг ижрочиси. 37. Қишлоқ ҳўжалиги соҳаси.

Фозилжон ОРИПОВ тузган.

Ҳаёт сабоқлари

КўНГИЛ

Дунёда қарилқдан кўра-нохуш беморлик йўқ экан. Йиллар ўз таъсирини ўтказиб, кўзингдан нурни, белингдан қувватни олар экан. Кексайғач кўнгил ҳам нозиклашиб, сал нарсага бориб келадиган бўлиб қолар экан. Кексайиб куч-қувватдан кетган пайтингда сени йўқлайдиганлар ҳам камайиб қоларкан, шундай пайтда албатта суянчиқ керак. Қорнинг бир бурда нон билан ҳам тўяр экан-у лекин ёнингда сени ардоқлаб, сенга ўзининг илиқ меҳрини, икки оғизгина ширин сўзини илиниб турадиган яқинларинг, жигарларинг бўлмаса жуда қийин экан...

Зокир ака кейинги пайтларда негадир тез-тез хасталанадиган бўлиб қолди, нимадандир норозидай асабийлашиб туради. Хосият ая унинг атрофига қанча гирдиқалалак бўлмасин, баъзан уни ҳам жеркиб ташлайди. Хосият ая бундай муомалага анча ўрганиб қолган, чидашдан бошқа илоҳи йўқ. Аёл киши кимгадир йиғлаб-сиктаб кўнглини бўшати олади. Эракларга қийин, улар ҳамма дардларини ичларига ютадилар. Аёл киши бўла туриб Хосият ая ҳам дардини ҳаммага айта олмайди, ўзидан ўтади, ўзи билади. Яхши ҳам қизлари Замира бор экан. Ота-онасидан келиб хабар олади. Қир-қирларини ювади, тансиқ бир нималар илиниб келади, гоҳо уйига олиб кетиб 3-4 кун парваришлайди.

Кўни кеча эр-хотин биров бетобланиб, шифохонага тушиб қолиши. Оладиган нафақа пуллари ўзларига етарли, еяр-ичардан камлари йўқ, лекин шу ерда ўзларини кераксиз бир одамдек ҳис қилишди. Кўшни палатадагиларнинг ёнига кетма-кет яқинлари, ўғил-қизлари келиб кетар, одам аримасди. Уларни эса ёлғиз қизларидан бошқа ҳеч ким йўқлаб келмасди. Зокир аканинг кўзига ёш келди, у бир зум хотиралар гирдобиди қолди... Ҳаёт уни ўтган йилларга етаклади...

Ўғиллари Нодир ва Носир туғилганда қанчалар қувонган эди-я! Белимининг қуввати, умримнинг давомчилари бўлади, деб қанчалар қувончлари ичига сиғмаган эди-я! Уларни ҳеч кимдан кам қилмай едириб-ичириб, ҳеч нарсага зориктирмай катта қилган эди-я! Рўзгорнинг бутун оғир юганини ҳам аёли Хосият билан бирга торттиб, шу яшаб турган уй-жойларини ҳам ўзлари кўтаришган эди. Катта бўлишса қарашди деб ўғилларини аяб, уларга ортиқча иш буюрмасди. Энди эса уларга меҳр қўйиб, қариганимда суянчиқ бўлар, деган ўғилларининг мўмай пул топиш дардида чет элга кетганларига ҳам 10 йилдан ошди, улар аввалига хат ёзиб, қўнғирқолашиб туришди, бир неча ойдан бери эса на хат бор, на хабар, сувга тушган тошдек жим-жит бўлиб кетишди. Уларга нима бўлди экан?! Наҳот ота-оналари борлигини эсдан чиқариб қўйган бўлишса?! Наҳот пул топишга шу даражада мукалларидан кетишган бўлишса?! Ота-оналаридан хабар олиш, жуда бўлмаса бир кўнгил сураб қўйиш эсларига келмаса?! Уларни шу ниятларда катта қилганмидим? Мен қаерда янглишдим, қаерда хатога йўл қўйдим дея Зокир аканинг юраги ўртанди. Қаердадир эшитгани ушбу сатрларни ичиди тақорорлаб туриб кўздан шашқорат ёш қуйилди.

Болам учун югурдим-елдим, оёғимга кирди тиконлар, қариганда азобда қолдим, юрагимни ўртар армонлар...

Гўлчехра КАРИМОВА

Шарқ дурдоналари

Озоз ўлганлиб доно бўлур...

• Камтар-камсуқум бўлганда ҳам ўз иззат-нафсини сақлаш, кадр-қимматини билиш зарур. Камтарлик ҳар кимсага эгилиш, ўзини ҳаммадан паст тутиб, хас-чўлдек хорзор кўрсатиш эмас. Бу ҳақда доно хикमत ҳам бор:

Этилганга эгилгинг — бошинг ерга теккунча.

• Иззат-нафсини ерга уриш, бирор нарса илинчида елпатка бўлиш, ўз инониқлигини бировнинг қўлига бериб қўйиш ҳам кадр-қиммат чинисини чил-чил қилиб юборади.

• Орият уялишнинг ҳам чеки, меъёри бор. Ўта ориятли бўлиб, ўз ҳақ-ҳуқуқидан айриладиган, оғзидиган етдириб қўядиган одам ҳалт-насибаларидан бебаҳра қолади ва айни ҳолатда кадр-қимматини йўқотади. Нурун тортиқоқлик қилинаверса, одам дарё кирғоққа чиқариб ташланган сомон парчасидек кўпчиликдан четга сурилиб қолади. Инсоний гўзал фазилатларнинг «жилғаси» оқиб бориб, кадр-қиммат «дарёси»га қуюлади. Агар «жилғас»лар қанчалик равои оқса, мусавфо бўлса ва ёмон ният қўшилмаса кадр-қиммат «дарёси» шунчалар азим, азиз ва жўжик бўлади.

• Кадр-қиммат инсоннинг ҳам захирий, ҳам ботиний ҳис-туйғулари бўлиб, у инсонга катта руҳий малад бағишлайди. Иззат-обрўли, кадр-қимматли, эъоз-эътиборли одамнинг кўзидан нур, юзидан сурур, хатти-ҳаракатидан ёқимли гурур ёғилиб, унга гўзал салобатли, покиза адолат, улуғ шон-шавакрат рамзини бағишлайди.

• Меҳнат — бойлик манбаи.

- Меҳнат инсон ҳаёти, маданияти асоси.
- Меҳнат инсонда ижодий куч уйғотади.
- Инсон меҳнат билан камол топади.
- Меҳнатсиз топилган бойлик омонатдир.


Қисса. Бир ари қулфат ва машаққат билан бир донни ташиб кетаётган чумолини қўриб унга айтибди:

— Эй чумоли, нега бунча ранжу аламини ўз устинга юк-ладинг, нега бунча машаққатни ихтиёр этдинг? Кел, яхши си менинг ёйиш-ичишимга бир кара. Сен ҳам ундан баҳра ол. Мен хоҳлаган еримга қўнаман, хоҳлаган овқатини ейман. Сен бўлсанг, битта дон учун шунча машаққат чексан, — деди-да учиб бориб бир қассобнинг сотиб турган гўшти устинга қўнди. Қассоб пичоқ билан бир урган эди, у икки нимта бўлиб ерга тушди. Чумоли дарров келиб унинг оёғидан тийлаб уясига олиб кета бошлади. Шунда ари чумолига:

— Мени қаерга олиб кетаётирсан? — деб сўраган эди, чумоли:

— Меҳнатсиз текин томоқликнинг балосига мубтало бўлганнинг холи шундай кечади, охири бориб ўзи-ўзига ем бўлади, — деб жавоб берди.

Байт:
Есам арпа нонин
меҳнат билан,
Шириндир
бировларнинг
оқ нонидан.



ГАЗЕТАНИНГ ШУ ЙИЛ 15 ДЕКАБРЬ СониДА БЕРИЛГАН ТОПШИРИКЛИ СКАНОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Энига: Ўн. Устара. Ахлоқ. Оқ. Набира. Анвар. Агра. Диёр. Дина. Умар. Дам. Лама. Рота. Амал. Ёз. Ота. Ни. Ин. Най. Драп. Ойна. Кабиса. Бах. Ал. Ем. Умр.

Бўйга: Сурхондарё. Ўт. Анқара. Эра. Абжад. Ниагара. Қора. Гилам. Ёр. Видо. «Ан». Майдон. Рақам. Ананас. Дон. Перу. Нок. Али. Он.

Калит сўз: Азиз Несин.

Ўзбекистон Бадий академияси марказий кўрғазмалар залида Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг 70 йиллиги ҳамда Бадий графика факультетининг 50 йиллигига бағишланган университет ижодкорлар жамоасининг кўрғазмаси очилди.

Кўрғазмалар

**УНИВЕРСИТЕТНИНГ
70 ЙИЛЛИГИГА
БАҒИШЛАНДИ**


Таъкидлаш жоизки, ўзининг ярим асрлик фаолияти давомида Бадий графика факультетининг рангтаъсир соҳасида янги илмий услубни йшлаб чиқди ва самарали меҳнат натижаси ўлароқ юртимизга кўпгина рассомларни етиштириб берди. Кўрғазмада намойиш этилаётган асарлар ўзининг мукаммаллиги билан мутаассислар ва томошабинлар томонидан юқори баҳолаб келмоқда. Бу беҳиж эмас, зеро мазкур кўрғазма иштирокчиларининг кўпчилиги Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган уста-рассомлар, Ўзбекистон Бадий академияси фахрий аъзолари, ижод ва таълим фаолиятини биргаликда олиб бораётган устоз-рассомлардир.

Кўрғазмада намойиш этилаётган рангтаъсир ва графика асарлари орасида халқ рассоми, академик Малик Набиев, профессор Янис Салпинкиди, профессор Фафур Абдурахмонов, Баҳром Тожиев, Нозим Абдусаломхўжаев, Нодира Ориповаларнинг ишлари ёрқин ва ўта маҳоратли ишланганлиги билан аҳамиятлидир. Шунингдек, кўрғазмада А. Исохўжаев, Р.Халилов, С.Маҳкамов ва Ш.Назирбекова каби ёш, истеъдодли рассомларнинг 100 дан ортиқ асарлари муваффақиятли намойиш этилмоқда.

Экспозициядаги асарларнинг асосий гоёси муқаддас туйғу- Ватанга бўлган меҳрни ифодалаш шунингдек, тарихий ва миллий қаҳрамонларни тараннум этиш, заминимиз табиати ва азалий маданиятимизга эътибор қирраларни очиб беришдан иборат.

Юлдуз РИЗАЕВА

**«ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ»
ЖУРНАЛИГА ОБУНА ДАВОМ
ЭТМОҚДА**



Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурндаги Давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимининг қонунчилик асосларини ислоҳ қилиш бўйича Кенгаш ҳузурда ташкил этилган умумназарий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий наشر ҳисобланган «Фуқаролик жамияти» журналининг махсус сони сотуви ва 2006 йил учун обуна давом этмоқда. Махсус сони 2500 сўм, бир йиллик обуна нархи 10000 сўм. (бир йилда 4 мартаба чоп этилади).

Журнал саҳифаларида жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш соҳасидаги ислоҳотлар ёритиб борилади.

**Журнал таҳририяти Ўзбекистон шоҳқўчаси,
45-а уйда жойлашган.
(тел: 132-62-27; 132-62-29; факс — 132-62-28)**

Республикаимизнинг барча шаҳар ва туманларида кенг қамровли қурилиш ишлари олиб борилиб, барча соҳаларда сезиларли ўзгаришларга эришилмоқда. Аҳолини иш жойлари билан таъминлаш, келажагимиз бўлган ёшларнинг қамоли ва республикаимизнинг ривожланган давлатлар орасида ўз ўрнини эгаллаши учун барча шаҳар, вилоят ҳудудларидаги корхоналар замонавий техника воситалари билан жиҳозланмоқда, замон талабларига жавоб берадиган илғор технологиялар келтирилиб, пахта ҳам аёсиини қайта ишловчи тўқимачилик мажмуалари, ишлаб чиқариш корхоналари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари қурилмоқда.

«01»

ЭЪТИБОРЛИ БЎЛАЙЛИК

Ушбу объектларда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш борасида ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан объектларнинг лойиҳалаш давридан то фойдаланишга топширилгунга қадар қурилиш меъёрий қоидаларни асосида ёнгинга қарши чора-тадбирлар бажарилишининг доимий назоратга олиниши, тарғибот-ташвиқот ишларининг олиб борилиши натижасида ушбу чора-тад-

бирлар бажарилишига эришилиб, Давлат қабул қилиш комиссияси ҳужжатлари расмийлаштирилмоқда.

Оловдан тўғри фойдаланмаслик жиддий оқибатларга олиб келиши ҳаммага аён. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, аксарият ҳолларда ёнгинлар ўзимизнинг бепарволигимиз, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслигимиз оқибатида юзага келади.

Ёнгинлар кўплаб инсонлар ҳаётини, соғлигини, ёшлигини олиб кетади. Шунинг учун ҳам маҳалла фаоллари, хонадон эгалари, фарзандларимизни ёнгин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиш, зийрак ва огоҳ бўлишга чақирамиз.

Қишли-қировли кунларда хонадонларимиз тинч, фарзандларимиз, яқинларимиз соғу-саломат бўлишсин. Бу эса кўпроқ ўзимизга; озгина эътиборли бўлишимизга боғлиқ.

**Саидолим КАМОЛОВ,
12-ҳарбийлашган ёнгин хавфсизлиги отряди катта инспектори,
катта лейтенант**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ХЎЖАЛИК СУДИНИНГ 2005 ЙИЛ
21 ДЕКАБРДАГИ ҚАРОРЛАРИГА АСОСАН ТУГАТИЛГАН ҚОРХОНАЛАР РЎЙХАТИ**

| № | Қорхона номи | Мақоми | СТИР | Рўйхатга олинган қарор санаси ва рақами | ХТУТ (ОКРО) | Хўжалик судининг қарори рақами |
|----|-------------------------------|--------|-----------|---|--------------------|--------------------------------|
| 1 | POLISAR-RANG | мЧЖ | 204699428 | 20.10.2003/000023-03 | 19230435 | 10-0519/12606 |
| 2 | OAZIS-PRODUKT | ХК | 204864547 | 17.02.2004/000203-03 | 19393156 | 10-0519/12607 |
| 3 | AHILESS-STAR | мЧЖ | 205240603 | 07.10.2004/000560-03 | 19781632 | 10-0519/12608 |
| 4 | MUSIK SHOU | мЧЖ | 204490199 | 10.04.2003 | 689 18936377 | 10-0519/12609 |
| 5 | E'ZOS | ХФ | 202357649 | 16.07.1997 | 379/1 16879750 | 10-0519/12610 |
| 6 | KIMEGAR | А | 200848189 | 18.04.1992 | 111/4-8 15357788 | 10-0519/12611 |
| 7 | ADIKA OOO | мЧЖ | 202413239 | 04.11.1997 | 600/1 16874617 | 10-0519/12612 |
| 8 | KRISHA MIRA | ХК | 205254989 | 26.10.2004/000597-03 | 19812663 | 10-0519/12613 |
| 9 | NIGINAXON-ORZULARI | мЧЖ | 205366864 | 26.01.2005/000741-03 | 19881185 | 10-0519/12614 |
| 10 | NAYTOV TRADING | мЧЖ | 204442114 | 20.03.2003 | 570 18985226 | 10-0519/12615 |
| 11 | POYTAXT-EKSPORT | мЧЖ | 203702004 | 20.07.2001 | 1419 18148565 | 10-0519/12616 |
| 12 | PROMSTROYMONTAJENERGOKOMPLEKT | мЧЖ | 204069214 | 11.06.2002 | 897 (802) 18583491 | 10-0519/12617 |
| 13 | TIN | мЧЖ | 202522894 | 10.03.1998 | 142/2 17382543 | 10-0519/12618 |

Мазкур қорхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак штамплари бекор қилинади. Кредиторлар икки ой мобайнида Миробод тумани ҳокимлигининг махсус комиссиясига мурожаат қилишлари мумкин.

Шурфа олам

**ТАНБАЛ
ПОЧТАЧИ**

Почтачилар вазифалари жиҳатидан анчагина маълумотли кишилар ҳисобланмади. Уларга бутун дунё почтасини кўтариб юриш юклатилган. Бирок, уларнинг орасида ишга нисбатан совуқ-қонроқлари ҳам учрар экан. Бир япон почтачиси кунлардан бир кун унга номаълум бўлган кўчалардаги хонадонларга аталган хатларни олиб боришни тўхтатган.

Японияда географик хариталар билан боғлиқ муаммо мавжуд. Почтачи 14 йил давомида шаҳар харитасини сотиб ололмаган. Шу йиллар давомида унинг уйда 1100 та хат йиғилиб қолган. Андишли одам бўлгани учун у хатларни ташлаб юбормаган. Ҳақиқат эса виждони йўл бермаган. Бутун уйини эгаллаб ётган хатларга зарар беришидан қўриқиб, почтачи ўзининг сеvimли мушугидан ҳам воз кечган.

Ана энди уйлаб кўринг-а, биргина почтачининг дангасалиги туфайли қанчадан-қанча японлар азият чекишган. Улар хатлар етиб келмаётганлигидан шикоят қилишган. Почтачи эса ушбу ҳолат юзасидан тергов қўзғатилишини хаёлига ҳам келтирмаган. Почта хизмати ҳам 10 йил давомида келган шикоятларни эътиборсиз қолдирмади ва танбал ходимни ишдан ҳайдаб юборди.

**ҲАЙФ КЕТГАН
ИСТЕЪДОД**

Шу йил ёз ойларида Цюрих шаҳрида галати ҳодиса оғ з берди: айрим уйлар жамоат бинолари деворидеги сирт фантастик расмлар пайдо бўлиб қолаверди. Тунда яширн равишда чизилган расмларнинг юқори сифатли бўёқдан ишлангани ҳаммани ҳайратта солди.

Шаҳар полицияси «ҳожатбарор» рассомнинг қимлигини топиш учун роппа-роса бир ой овоза бўлди. Узок қидиришлардан сўнг айбдор қўлга тушди. Бир ярим мингта сирли расмлар автори қирқ икки ёшли қимса касби бўйича психолог экан. Мутахассислар цюрихлик «ҳожатбарор» чизган расмларнинг бўёги сифатлилигини тан оlishдан ташқари рассомнинг санъатига ҳам қойил қолмоқдалар. Ҳайф кетган истеъдод, эгаси бировларнинг деворига зарар етказгани учун суд олдида жавоб берди.

ЛАЙЛАК ИНИ

Болгариянинг Бела-Черка шаҳридаги нон заводи зудлик билан қайта реконструкция қилинадиган бўлди. Қурувчилар енг шимариб ишга киришиб кетишди. Завод қувури ҳам таъмир-талаб эканлиги ҳақида сўз кетганида дирекция лаб тишлаб қолди. Чунки қурув ичи аллақачон лайлақлар маконига айланган экан.

Узоқ йиллар давомида шу ерда яшаб, қорхона ишчиларининг энг яқин «ҳамроҳига» айланган лайлақлар уясини энди қаерга кўчириш керак? Қурувчилар бу муаммони ҳал этишда улар қурув ичидаги уяни безарар олиб, уни таъмирлаш ишларидан ҳоли жойга — нон ёпиш цехининг томи орасига мустаҳкамлаб қўйишди.

Ота ва она лайлақлар бегона жойга кўчишни унча ёқтирмагандек «ётоқ»ларига гоҳ келиб, гоҳ келмай қўйдилар. Кеч кузда аса қанот чиқарган болаларини олиб қаёққадир учиб кетишди. Энди шаҳарликлар оғзида лайлақлар баҳорда яна қайтиб келишармикан, деган гап юрибди.

Спорт

**СОВРИНЛИ
ЎРИНЛАРНИ
ЭГАЛЛАШДИ**

Бадминтон ҳам кизиқарли спорт турлари каторига киради. Мамлакатимиз бадминтончилари халқаро мусобақаларда ўзига хос ютуқларга эришиб келишаётганини қувонч билан таъкидлаш мумкин.

Жумладан, Қозоғистоннинг Алматы шаҳрида Россия, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон бадминтончилари иштирокида ўтказилган Гридошкин хотирасига бағишланган аънаваный халқаро мусобақаларда ҳам юртдошларимиз муваффақиятли иштирок эттишти.

Ўзбекистон бадминтончилари халқаро турнирда учта ёш тоифасида тўққизта вакил тавфиқ билан иштирок этдилар ва қуйидаги натижаларни кўрсатдилар.

40 ёшгача бўлган иштирокчилар ўртасида ўтказилган яқка тартибдаги мусобақаларда Р.Зокиров ва А.Смирновалар иккинчи ўринни эгаллашди. Эркалар ўртасидаги жуфтлик мусобақаларида ҳам вакилларимиз А.Зоҳидов ва О.Саватюгинлар қумуш медалларни қўлга киритишди.

Учинчи ўринга эркалар жуфтликимиз Р.Зокиров — А.Давидов ҳамда А.Смирнова /Ўзбекистон/ — Ю.Медведев /Алмати/ аёллар жуфтлиги сазовор бўлди.


Аралаш жуфтликларда ҳам натижалар ёмон бўлмади. Хусусан, А.Батиев — А.Смирнова иккинчи ўринда мустақамланган бўлишса, Р.Зокиров — С.Саниева /Алмати/ бронза нишонларига эга бўлишди.

40 ёшдан 50 ёшгача бўлган бадминтончилар ўртасида ҳамюртларимиз янада юқори натижаларни кўрсатишди. Чунончи, И.Де яқка тартибдаги мусобақаларда зафар қучди. И.Де ва С.Саниева /Алмати/ аралаш жуфтлиги ҳам хурмат шохсупасининг энг юқори поғонасига кўтарилди.

50 ва ундан юқори ёшдаги фахрийлар ўртасида ўтказилган учрашувларда ҳам бадминтончиларимиз яқши қатнашишди. Жумладан, Е.Юлай иккинчи ўринни эгаллади, А.Пақ — И.Бексетов жуфтлиги бронза медаллари билан тақдирланди.

Шу тариқа бадминтончиларимиз аънаваный халқаро турнирдан Ватанимизга юзлари ёруғ ҳолда медаллар шодаси билан қайтадиган бўлишди.

(Ўз муҳбиримиз)



Қураш

МАРД МАЙДОНДА БИЛИНАДИ

Юртбошимиз “Ўз ўтмишини улуғлайдиган, бугунни эъзозлайдиган миллатнинг эртанги қуни ҳамиша порлоқ бўлади”, деб таъкидлаган эдилар. Спорт мамлакатимизнинг шухратини дунёга ёйишда асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Чунки қадимда аждодларимиз ўзларни турли хил спорт ўйинларида ва жангларда кўрсатиб келишган. Забардаст, бақувват Алломишдек полвонларимиз, Фарходдек жасур паҳлавонларимиз майдонда куракларини ерга теккизмай курашиб келишган ва уларнинг довуғи жаҳонга тарқалган. Гарчи кураш ҳақида гап очмоқчи эканмиз, шу кунларда мамлакатимизда ўтказилаётган турли мусобақаларни четлаб ўтолмаймиз. Ушбу турнирларда деворак курашчиларимиз юртимиз шънини ҳимоя қилиб, юқори ютуқларга эришишмоқда.

Чунончи, Тошкент темир йўл муҳандислари институтида Республика Олий ва ўрта махсус таълим ўқув юртлири талабалари ўртасида миллий кураш бўйича Эшон Одилхўжаев хотирасига бағишланган тўртинчи турнирнинг ҳам нихоятда

қизиқарли ўтганлигини таъкидлаш жоиз. Ушбу турнирда 372 нафар талаба ўз вазналарига тенг рақиблар билан куч синашишди. Турнирнинг ташкилий жиҳатдан беनुқсон ўтишига “Темирйўлчи” талабалар спорт клубининг раҳбари, Талабалар ка-

саба уюшмаси раиси, республика тоифасидаги ҳакам Фарход Бобононов ҳамда Ўзбекистон терма жамоаси катта мураббийси, миллий кураш бўйича халқаро тоифадаги ҳакам Олимжон Ҳайитов катта хисса қўшдилар.

Шунингдек, мусобақада институтнинг жисмоний тарбия кафедраси мудири ҳамда миллий кураш бўйича мураббий Исоқжон Мирзақуллов ҳам шогирдлари билан қатнашди.

Турнир беллашувларида институт талабалари ҳар томонлама яқши тайёргарлик кўришганини намойиш эттишти. Тадбир якунида голиб ва совриндорларга мутасаддилар томонидан таъсис этилган совринлар, эсдалик совғалари тўғрда этилди.

(Ўз муҳбиримиз)
СУРАТЛАРДА: мусобақадан лавҳалар.

Ўқтам Асомиддинов олган суратлар

Юртимизда “Сихат-саломатлик” йили дастури бўйича аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, соғлигини яқшилаш мақсадида қатор тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Айниқса, XXI аср вабоси ҳисобланмиш ОИТС ва гиёвандликнинг зарарли оқибатлари ҳақида ёшларга маълумотлар бериш, захарли оғу исканжасига тушиб қолаётганларни тўғри йўлга қорлаш масалалари юзасида турли мусобақалар ўтказилиши хайрли аънамага айланмоқда.

Тағбирлар

ЁШЛАР — ГИЁВАНДЛИККА ҚАРШИ

Яқинда мана шундай тадбирлардан бири Мирзо Улуғбек туманидаги 225-умумтаълим мактабида бўлиб ўтди. Бу ерда «ОИТСни тўхтат, ваъдани бажар!» шiori остида ўтказилаётган танловнинг якуний шаҳар босқичи ўтказилди. Тадбир Тошкент шаҳар Саломатлик маркази, шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ҳамкорликларида ташкил этилди.

Танловда шаҳримизнинг барча туманларидаги умумтаълим мактабларидаги ўқувчилар ОИТС ва гиёвандликнинг зарарли оқибатлари, инсон саломатлигига зиёнини ифо-

да этувчи саҳна кўринишлари билан иштирок этдилар.

Танловнинг шаҳар босқичида муваффақиятли қатнашган 8 та мактаб ўқувчиларининг гиёвандлик, терроризм, Спид қаби иллатларнинг салбий оқибатларини очиб беришчи ижодий ишлари, жумладан, деворий газеталарининг ҳам танлови ўтказилди. Тадбир давомида шунингдек, шаҳар босқичида танлов шартларини маҳоратли ижро этган ва мавзунини кенг ёритиб бера олган ўқувчиларга Фахрий ёрликлар топширилди.

Юлдуз РИЗАЕВА

**МУСИҚАЧИЛАРИМИЗ
МУВАФФАҚИЯТИ**

Тошкентдаги В.Успенский номи республика махсус музика академик лицейига хориждан қўш хушхабар келди. Улардан бирида мазкур таълим даргоҳининг 4-синф ўқувчиси, фортепьяно ижроси Елена Кан Грецияда ўтган «Концертзум» халқаро музикаий кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллагани ҳақида эди.

Иккинчисида эса бундай голиблик Италияда ўтказилган халқаро ёш пианиночилар танлови иштирокчилари — лицейнинг 4-синфда таҳсил олувчи Фотима Аҳмадова, 5-синф ўқувчиси Тамара Акбарова ҳамда 8-синф ўқувчиси Тамара Салимжоновга ҳам насиб этгани қайд қилинганди.

Бу мазкур лицей ўқувчиларининг биринчи ва тасодифий муваффақияти эмас, албатта. Зеро, мамлакатимизда ёш истеъод соҳибларини аниқлаш, уларга мукамал таълим бериш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборидир. Айни пайтда юртимиздаги қўллаб махсус музика мактаблари фаолиятини янада тақомиллаштириш, уларнинг моддий-техник базасини мустақамлаш, моҳир ўқитувчиларни жалб этишга алоҳида аҳамият қаратилаётир.

В.Успенский номидаги республика махсус музика академик лицейида бугунги кунда олти юздан ортиқ ўқувчи таълим олади. Улар музика сирасорларини пухта эгаллашда ўқув масканининг нафақат юртимиз, бунки хорижда ҳам яқши танилган педагогик жамоасининг муносиб ҳиссаси бор. Шу боис лицейнинг Навфал ва Нурун Муҳимий, Бехзод Абдураимов, Нодира Дадамухамедова, Эвелина Черномур сингари ўқувчилари ҳам нуфузли халқаро танловлар ва фестивалларда совринли ўринларни эгаллаб келмоқда.

Назoкaт УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Мунажжим башорати

РИЗКИНГИЗ КЎПАЯДИ

23 ДЕКАБРЬ, ЖУМА

Кечагидай бугун ҳам яқши амалларингиз, эзгу ўй-фикрларингиз ва аτροφдагилар билан бегараз муносабатларингиз бугунги ва келгуси омадларингизга асос бўлади. Бирок, соат 9.31дан то 20.27гача Ой сайёрасининг йўналиши ҳолатда бўлиши хато қарорлар қабул қилинишига сабаб бўлиши мумкин. Англаб бўлмайдиган, кўз илгамас қўркувлар пайдо бўлиши эҳтимоли бор.

Қуёш тақвими бўйича саккизинчи кунда нисбатан эркин жадвалда ишлаб, бошқаларни ҳам мажбур қилмаслик керак. Ой тақвими бугунги кунини ўтган авлодлар томонидан тўпланган ва асраб-авайлаб келинаётган билимларнинг юксак аҳамиятини эслатувчи олтин қалит дейиш мумкин. Мунажжимлар таъкидига кўра, бугун барқарор аъналар ва удумларга қаттиқ риоя этувчиларга омад қилиб боқаркан.

Мабодо, қандайдир бир ишга қўл урадиган бўлсангиз, албатта уни охирига етказишга ҳаракат қилинг. Қулни уйингиз, оилангизга, суйган кишиларингизга бағишланг. Жанжал кўтармасликка, жаҳолатингизга эрк бермасликка, бақир-чақирдан тийилишга интилинг. Садақа қилинг, совға-саломлар бering, қушлар, бошқа жониворларни тўйдиринг. Ҳеч кимга бирон ваъда бермасликка, қасам ичмаслик ва қоғозларни имзоламасликка ҳаракат қилинг.

Мабодо, бугун уйингиз олдида ит, мушук ёки бошқа жониворлар келиб қолса — уларни ҳайдаб солманг — улар сизга ҳимоя ва омад келтиради. Қимматбахо тош ёки узук топиб олишингиз ҳам орзуларингиз рўёбга чиқишига ишора бўлади. Аммо зуагинингизнинг кўзи тушиб қолиши нохушлик аломати бўлиб, бу сизга қилинган илму амал белгиси. Тирноқ ёки тишининг синиши — омадсизликка ишора. Ойнинг синиши ва кўзгунинг дарз кетиши ҳам яқшиликка эмас.

Тушлар бугун муҳим бирор аҳамиятга эга бўлмайди. Бугун ҳам сутли таомларга, сазавотлар ва қўкатларга устуворлик бering. Кечқурун озроқ мусаллас ичиш фойдали. Кийимлардан яқил ёки тўтиёранг либосларни кийинг. Сарик, қизил, айниқса қора рангли кийимлардан нарироқ бўлишга ҳаракат қилинг.

БУГУН:

- бирон-бир ишни нихоясига етказиш;
- фаолиятингиз натижаларини сарҳисоб қилиб кўриш;
- молиявий ва рўзгор муаммоларини ҳал этиш;
- бирон-бир буюмини сотиб олиш, алмашлаш ёки сотиш;
- чағдастлик ва артистлик маҳоратингизни намойиш этиш;
- маълумотномалар, каталоглар, махсус жўннарлар ва бошқа вақтли нашрлар билан ишлаш;
- ишонгини текшириб туришни ҳам унутма, деган таъмоилга амал қилиш тавсия этилади.

Қаътий зарурат бўлмаган ҳолда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ва бошқа мансабдор шахслар билан мулоқотда бўлишдан, мутлақо янги ва ўзингизга нотаниш бўлган ишга қўл уришдан сақланг.

Муассис:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акmal АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 136-57-65,
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажин — 2 босма табоқ офсет
уюшди босилди.
2495 нуқсала босилди. Қўра бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашир етказиб бериш масалалари бўйича турар жўзлардаги почта бўлиқларида ёки «Тошкент почтачига» — 133-74-03 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳфаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.